• *ОЛИЙ ТАЪЛИМ ҲАҚИДА ЎЙЛАР*

# КЎП БОСҚИЧЛИ ТИЗИМНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

**Сиёсий мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлидан бормоқда.**

**Мана уч йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган туб ислоҳотлар борасида мақтаса арзигулик, сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Бу ислоҳотлар равонлик, вазминлик, омилкорлик, изчиллик ва қатъийлик билан амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Туб ислоҳотлар мажмуида олий таълимни, умуман таълим тизимини ислоҳ қилиш ўзининг аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан энг юқори ўринлардан бирида туради десак, муболаға бўлмас. Сабаби - ҳозирги кунда илму фан тараққиёти ҳар қандай давлатнинг куч-қудратини, бойлигини, қолаверса, унинг иқтисодий пойдеворини ва жаҳон давлатлари ўртасидаги нуфузини белгилайди.

Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий касбкорлик (профессионал) таълимни ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳасини муҳокамага ҳавола этди. Бу ҳужжат лойиҳасида илғор мамлакатларда тўпланган бой тажрибалар ҳисобга олиниб, биздаги олий таълимни жаҳон андозаларига мослаштириш мақсади ўз аксини топган. Концепция лойиҳасининг асосий мазмуни, лўнда қилиб айтганда, бир босқичли ўқув тизимидан кўп босқичли ўқув тизимига ўтишдан иборатдир. Хўш, бу янгича услубнинг қандай устунликлари бор, қолаверса, у халқимизга, республикада олий таълимни ривожлантиришга нималар беради?

Бу саволга жавоб бера туриб шуни айтиш керакки, бир босқичли ўқув тизимида талабаларнинг қобилияти етарли даражада эътиборга олинмайди. Бўлажак мутахассиснинг қобилияти даражасидан қатъий назар, унга бир хил тоифадаги диплом берилади. Оқибатда ҳар хил билим, ҳар хил савия билан бир хил диплом, ишлаб чиқаришда эса деярли бир хил маош тўланади.

Бундай ҳолат истеъдодли ёшларни рўёбга чиқариш, уларнинг қобилиятини рағбатлантириш ва пировард натижада, жамиятнинг бебаҳо интеллектуал бойлигидан самарали фойдаланиш имкониятларини сунъий равишда чегаралашга олиб келади.

Кейинги йилларда республикамизда олий мактаб талабалари сафига танлов ўтказишда тест усулининг қўлланилиши сезиларли ижобий натижалар бермоқда. Энг муҳими бу усул мактаб ёки ўрта махсус билим юртларининг битирувчи шахсларини ягона бир мезон — билим даражасига қараб қабул қилишни таъминлашга имконият туғдириб берди. Натижада олий ўқув юртларининг талабалар сафи истеъдодли, билимдон ёшлар ҳисобига ортиб бормоқда. Бу асл ҳақиқатни бизнинг институтимиз мисолида яққол кўриш мумкин. 1993-1994 ўқув йилида иккинчи курс талабаларининг ўзлаштириши 50,0 фоизни, учинчи курсларда эса 64,3 фоиз, 4-курс талабаларининг ўзлаштириши 58,6 фоизни ташкил этган бўлса, 1-курслар (яъни тест усулида қабул этилган талабаларнинг) ўзлаштириши 80,3 фоизни ташкил этди.

Тест усули айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Лекин олий ўқув юртига киришга даъвогар шахснинг ижодий фикрлаш даражасини, унинг билим савиясини шаблон ёинки машиналардан кўра билимли педагог анча тузукроқ аниқлай олади. Доимо бундай баҳолашга эришишнинг энг муҳим шарти — ҳар бир имтиҳон олувчининг ўта адолатли, объектив бўлишлиги. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик кўпинча адолатдан устунлик қилади. Бу жиҳатдан тест усули инкор этиб бўлмайдиган афзалликларга эга.

Республикамизда олий таълимни ҳар томонлама ривожлантириш лозимлиги, унинг бугунги аҳволидан кўриниб турибди.

Концепцияда айнан ана шу масала — талабалар сони қайси йўналишлар бўйича ўсиши зарурлиги кўрсатилмаган. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти, унинг халқ хўжалигидаги таркибий ўзгариш қанақа кадрларнинг зарурлигини ва шунга мос равишда қайси мутахассисликлар бўйича талабалар тайёрлаш лозимлигини аниқлаш билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон олий таълимида ўқитувчиларнинг илмий даражаси борлари ҳам етарли эмас. Республикамиздаги 57 олий ўқув юртида фаолият кўрсатаётган 24,0 минг профессор — ўқитувчининг атиги 5 фоизи фан доктори, 42,1 фоизи фан номзоди илмий даражасига эга. Бу кўрсаткич илғор мамлакатларга нисбатан анча паст. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, келажакда олий таълимда банд ўқитувчиларнинг илмий даражасини ошириш ҳам ўта долзарб масала.

Лойиҳада уч босқичли таълим кўзда тутилган: тўлиқсиз олий маълумот (бунда кичик мутахассис деган малакани тасдиқловчи сертификат берилади); асосли олий маълумот (бунда бакалаврлик даражасини тасдиқловчи диплом берилади); тўлиқ олий маълумот (бунда магистр даражаси берилади ва уни тасдиқловчи диплом тақдим этилади). Ушбу тадбир ҳозирги ўқув тизимини фақат шаклан ва мазмунан ўзгартириб қолмасдан, балки унинг ташкилий томонини ҳам тубдан ислоҳ қилишни талаб этади.

Ҳозирги пайтда техникум ва коллежлар институт ва университетлар билан деярли алоқадор бўлмаган ҳолда бир-биридан ҳоли фаолият кўрсатмоқда. Техникумни битирган мутахассис олий маълумот олмоқчи бўлса, касби бўйича деярли фанларни яна такрор ўқийдилар. Янги фанлар фақат гуманитар фанлар эвазига амалга оширилади. Коллеж маълумотига эга бўлган мутахассисни масалан, бухгалтерни яна тўрт йил ўша бухгалтерликка ўқитамиз. У амалда коллежда ўрганган фанларни яна бир бор малакалироқ ўқитувчи иштирокида такрорлайди, холос. Оқибатда жамиятимиз кадрлар тайёрлашда вақтдан ва иқтисодий жиҳатдан зарар кўрмоқда.

Олий таълимни ривожлантириш концепцияси лойиҳасида Олий таълим вазирлиги томонидан ҳар бир ўқув юрти шаҳодатланиши (аттестация ва аккредитация қилиниши) натижасида ўқув муассасаларининг учга бўлиниши кўзда тутилган: 1-даражали — коллеж; 2-даражали — институт; 3-даражали — университет. Аммо булар ҳозиргидек ўзларича мустақил бўлса, унда ўқув тизимида туб ўзгариш ясаш қийин. Билимнинг пойдевори бўлмиш асосий назарий гуманитар ва умумтаълим фанларини талабалар 1- ва 2- курсларда ўрганадилар. Энди коллеждаги ва университетдаги кичик мутахассисларни бир солиштириб кўринг. Уларга кичик мутахассис деган сертификат берилади. Яна ҳар хил савиядаги ва ҳар хил малакадаги ёш мутахассислар сунъий равишда "тенглаштирилади", холос.

Шу туфайли биз бутун ўқув тизимини республикада университетлар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Айрим ҳолларда, хусусан, университети бўлмаган вилоятларда институтлар орқали, институти бўлмаган шаҳарларда эса коллежлар орқали кадрлар тайёрлашни амалга ошириш мумкин.

Кадрлар тайёрлаш масаласида ҳамиша реал имкониятлардан келиб чиқмоқ лозим. Масалан, ёш мустақил республикамиз учун солиқчилар ва божхона ходимлари керак бўлди. Ушбу вазиятни тўғри ҳисобга олиб, республика раҳбарияти олий маълумотли солиқ ва бож соҳасида ишлайдиган, лекин мутахассисликлари тўғри келмайдиган кадрларни жадаллаштирилган ҳолда 2 йил мобайнида ўқитиб тайёрлашга қарор қилди. Бу муҳим вазифа Тошкент иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ва бизнинг Самарқанд кооператив институтлари зиммасига юклатилди. Бизнинг фикримизча, бу — яхши ўйланган, ўзимизнинг имкониятимиздан келиб чиқадиган жуда тўғри тадбирдир.

Концепция лойиҳасида олий таълимни молиялаштириш 6 та манба ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган: давлат бюджети; кадр тайёрлашга буюртма берадиган корхона ва ташкилотлар маблағи; ўқитувчиларни ўзларининг маблағи; институтнинг иқтисодий фаолиятидан келган даромадлар; банк кредитлари; хўжалик субъектлари, баъзи шахсларнинг, ҳар хил ижтимоий фондларнинг олий мактабларга хайрия сифатида берадиган маблағлари.

Шу билан биргаликда олий таълим тизимида ҳали ишга солиниши лозим бўлган баъзи қўшимча молиявий манбалар ҳақида ҳам сўз юритмоқчимиз. Илгарилари олимлар яратган илмий ишлар кўп ҳолларда амалиётга татбиқ этилмас эди. Жуда кўп ғоялар фақат илмий ҳисобларда, мақола, монография ва диссертация саҳифаларида қолиб кетди.

Шу боис бизнингча илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш учун "Давлат ғоя фонди"ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқроқ бўлармиди?! Бу фонд маълум тартибда олимлардан улар ишлаб чиқадиган ва республикамиз иқтисодиётини, маънавиятини, мафкурасини юксалтириш учун аҳамиятга молик бўлган илмий тавсияларни сотиб олади. Ғоя фондига дастлабки босқичларда маблағ давлат бюджетидан ажратилиши лозим. Кейинчалик эса йиғилган ғоя ва тавсияларни корхоналарга, ташкилотларга, акционерлик жамиятларига, тадбиркорларга сотиш йўли билан бу фонднинг қудратини ошириб юбориш мумкин. Бизнинг республикамизда интеллектуал потенциал жуда катта. Аммо ҳамон интеллектуал мулк ҳақида қонун ишлаб чиқилмаганлиги бу соҳанинг маълум даражада орқада қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Эҳтимол, Олий Мажлиснинг янги таркибдаги ишчан гуруҳи интеллектуал мулк тўғрисида бирор бир тўхтамга келар.

Олий ўқув юртларини қийинчиликдан қутқаришнинг яна бир йўли — ёшларни давлат режасидан ташқари тижорат йўли билан ўқитишни ташкил қилиш. Ҳозир кўпгина ёшлар ўрта мактабни битириб институт, коллеж ва университетларга кира олмасдан қолиб кетаяпти. Аммо уларнинг моддий неъмат ишлаб чиқаришда иштирок этиши учун, биринчидан, иш жойи танқис бўлса, иккинчидан, у ёшларда ҳали малака етишмайди. Шу боис, билим олишни хоҳлаган киши ўз ҳисобидан истаган мутахассисликка ўқиши мумкин. Лекин улар ўқишни битиргач давлат тақсимоти билан ишга жойланмайди. Бундан ташқари, бу шаклдаги ўқишдан ҳам жамият, ҳам институт, ҳам ёшлар ютиб чиқади: олий мактабнинг маблағи кўпаяди, жамиятимизда эса билимдон мутахассислар сони ошади, аҳолининг умумий интеллектуал даражаси кўтарилади. Оқибатда кадрлар ўртасида мукаммал билим олишда ўзаро рақобат вужудга келади. Бу эса бозор иқтисодиётига асосланган жамиятнинг ҳар томонлама тараққий этишида муҳим омиллардан биридир.

Олий ўқув юртлари тадбиркорлик фаолияти асосида тўпланган маблағнинг бир қисмини яхши натижаларга эришган олимларни рағбатлантиришга сарфланиши учун кенг имконият яратиб бериши керак. Лекин концепция лойиҳасида бу тадбир ўз ифодасини топмаган. Муҳокамага чиқарилган ҳужжатда яна бир муҳим масала эътибордан четда қолган. Бу олий таълим тизимида банд бўлган олимлар ва ёрдамчи ходимларнинг иш ҳақи масаласи. Модомики, ҳозирги кунда олий таълим тизимини жаҳон андозасига яқинлаштириш муаммосини ечишга интилаётган эканмиз, бу соҳа ходимларига тўланадиган иш ҳақини жаҳон андозаси даражасига яқинлаштириш чораларини кўришимиз лозим. Шу сабабли лойиҳада олий ўқув юртларида банд ўқитувчилар иш ҳақининг даражасини илғор мамлакатлар даражасига яқинлаштириш босқичма-босқич амалга оширилади деб, ёзиб қўйиш зарурдир.

Келажакда олий ўқув юртларини бошқариш ҳам тубдан ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Ҳозир 57 та олий ўқув юртининг ярмидан озроғи, яъни 28 таси олий таълим вазирлигига, 6 таси халқ таълими вазирлигига, 7 таси ички ишлар вазирлигига, 4 таси қишлоқ хўжалик вазирлигига, 3 таси маданият ишлари вазирлигига, 7 таси тиббиёт вазирлигига, қолган 7 таси турли вазирликлар ва маҳкамаларга бўйсунади. Бизнинг фикримизча янги иқтисодий шароитда бу бошқариш усули ўз моҳиятини йўқотмоқда. Сабаби — бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан кўп вазирликларнинг мавқеи тобора торайиб бораяпти. Аксинча, ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий корхоналарнинг аҳамияти ва республика иқтисодиётида турган ўрни мустаҳкамланиб бормоқда. Бундай шароитда алоҳида вазирликлар қошида олий ўқув юртларининг сақланиб қолиши бир томондан бошқариш харажатларининг асоссиз кўпайишига олиб келса, иккинчи томондан олий ўқув юртлари фаолиятини идора қилиш сифати ва самарадорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Барча олий ўқув юртларининг Олий ва ў та махсус таълим вазирлиги ихтиёрига берилиши давр талабидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир билимгоҳда иш сифатининг яхшиланишига, унинг фаолиятини идора қилиш учун кетадиган харажатларнинг камайишига, услубий раҳбарликнинг кучайишига, умуман таълим тизимидаги ислоҳотларнинг тезлашишига ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Лойиҳада фақат давлат тасарруфида бўлган олий ўқув юртлари тўғрисида фикр айтилган. Бироқ жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат қарамоғида бўлмаган ўқув юртлари ҳам лойиҳада акс эттирилиши лозим.

Тажриба шуни кўрсатаяптики, ёшлар ўртасида иқтисодчи, ҳуқуқшунос, тиббиёт ходими мутахассисликларига қизиқиш катта. Ваҳоланки бу ихтисослар бўйича танлов жуда юқори. Ачинарлиси шундаки, бундай катта танлов шароитида тест имтиҳонларидан анча юқори балл йиққан абитуриентлар ҳам талаба бўлиш шарафига муяссар бўла олмайдилар. Шу сабабли та лов катта бўлган мутахассисликларга 50 фоиздан ортиқ балл тўплаган иқтидорли ёшларни режадан ташқари шартнома асосида қабул этишга рухсат бериш ҳам адолат жиҳатидан, ҳам жамият нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ўйлаймиз. Шунингдек, ҳозир ўқувнинг кундузги, кечки ва сиртқи шакли мавжуд. Келажакда буларнинг қайси бирига амал қилиш ҳақида ҳам лойиҳада бирор бир фикр айтилмаган.

Қисқаси, ушбу концепцияни takomиллаштириб, уни ҳаётга тадбиқ қилиш республикамизда олий таълимнинг жаҳон андозасига ўтишида қутлуғ қадам бўлади, деган умидда юқоридаги фикрларни баён этган бўлдик.

**Эркин ХЎЖАЕВ,**
Ўзбекистон халқ ноиби, Самарқанд кооператив институти ректори,
**Мурод МУҲАММЕДОВ,**
институт проректори, профессор,
**Жаҳонгир ЗАЙНАЛОВ,**
молия ва кредит кафедраси мудири,
**Мамаюнус ПАРДАЕВ,**
статистика ва иқтисодий таҳлил кафедраси мудири.



*Избосканда Йўлбарс Ўтаганов номини уста ҳунарманд сифатида яхши билишади. Ёғоч ўймакорлиги борасида катта тажриба тўплаган уста ўғиллари Умидулло, Файзуллолар ҳамда кўплаб шогирдларига касбининг сир-асрорларини ўргатган. Избоскан тумани ҳокимлиги яқинда устанинг ноёб ҳунарини ёшларга ўргатиш мақсадида "Ўтаганов мактаби"ни ташкил этишда ташаббускор бўлди. Ҳозир мазкур мактабда 22 нафар ёшлар миллий ҳунармандчиликнинг ноёб бўлаги — ёғоч ўймакорлиги сир-асрорларини қунт билан ўрганиш билан бирга туман маркази ободончилигида бевосита иштирок этмоқдалар.*

*СУРАТДА: уста ҳунарманд, ёшлар мураббийси Йўлбарс Ўтаганов.*

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

• *Тадбиркорлик*

## АҚЛ БИЛАН САВДО ҚИЛИНСА

*Шу йил ёзда барча турдаги корхоналар сингари Денов ёғ-экстракция заводида ҳам океан ортидан келтирилган 10 минг тонна соя қайта ишланди ва ундан 1700 тонна ёғ, 7,5 минг тонна кунжара олинди. Хомаше узоқдан ташиб келтирилганлиги учун, табиийки, унинг таннархи ошиб кетди. Ҳалиги кунжаранинг 4,5 минг тоннаси қиммат бўлса ҳам (тоннаси 600 сўмдан) ўзимизда сотилди. Аммо корхона тадбиркорлари ана шу кунжаранинг 3 минг тоннасини 2300 сўмдан Россияга пуллашга эришдилар. Табиийки, у ёқдан пул эмас, завод учун керакли бўлган анжомлар олинади. Чунончи, 770 миллион рублга буғ қозони келтириладиган бўлди. Ақл билан савдо қилган яхши-да!*

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

• *Қишга тайёргарлик қандай бормоқда?*

## ЗАРАФШОНДА ҚОР-ЁМҒИР ЁҒМАСИН-ДА, ИШҚИЛИБ

**(Интервью-фельетон)**

**Суҳбатдошимиз Зарафшон шаҳар уй-жой коммунал бошқармаси бошлиғи Фаина Ивановна Чумакова. У раҳбарлик қилаётган ташкилот Марказий руда бошқармасига биркитилган. Улар ёрдам беришса, ниманидир амалга оширишлари мумкин, йўқса...**

**МУХБИР: Қишга тайёргарлик қандай?**

Фаина ИВАНОВНА: Жуда ёмон!

**М: Наҳот ҳеч иш қилинмади?**

Ф.И : Тўғри, баъзи ишлар қилинди. Бироқ уларни айтиб мақтаниш ёки ўзимизни оқлашдан нима фойда. Ахир эрта-индин қор тушиб, ҳаммаси юзага чиқади.

**М: Шундай бўлса-да бирор юмуш қилингандир ахир?**

Ф. И: Арзимас ишлар. Уйларнинг ертўлаларини тозаладик. "Сантехника" сини таъмирладик. Электр тармоғини тўлиқ назоратдан ўтказдик, шу холос.

**М: Нималар бажарилмай қолди?**

Ф.И: 208 та уйнинг томидан биринчи ёмғирдаёқ чакки ўтиб кетади. Уларни ёзда таъмирлашимиз зарур эди. Ёз бўйи материал сўраб қилган илтижомиз, на шаҳар ҳокимияти, на МРБ томонидан инобатга олинди. Яқиндагина 1500 метр рубереоид ажратишди. Амалда эса 5000 метр керак.Берганлари 70 уйга етади. Қолганидан кўринишидан чакки ўтади, чоғи.

**М: Агар 5000 метр беришса, томчи ўтмаслигига кафолат борми?**

Ф.И: Йўқ, энди биз ўзимиздаги ишчи кучимиз ва қолган вақтимиз сабабидан бунга улгуролмаймиз. Аҳолининг қайсидир қисми томчи азобини тортиши тайин.

**М: Рубероидни қандай тақсимладингиз? Аввало раҳбарларнинг уйи таъмирдан чиқарилгандир?**

Ф.И: Йўқ, дастлаб шикоят билан келганларнинг уйларини. Бошқа иложимиз йўқ.

**М: Яна қандай қурилиш материалларини беришмаяпти?**

Ф.И: Ёғоч. Уйларнинг йўлакларига кириш эшиклари таъмирталаб ёки бутунлай йўқ. Уларни тўлиқ бутлаш зарур.

**М: Мазмунли суҳбат учун раҳмат!**

Ф.И: Сизга ҳам. Айтинг-чи. Буларнинг ҳаммасини газетада чиқара оласизми?

**М: Албатта-да!**

Ф.И: Унда жуда соз.

**Темир ЭШБОЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

*Қадрли муштарийлар!*

*1995 йил учун "Халқ сўзи" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.*

*"ХАЛҚ СЎЗИ"НИНГ ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯККА ТАРТИБДАГИ*

*йиллик обуна баҳоси — 276 сўм*
*олти ойга — 138 сўм*
*уч ойга — 69 сўм*
*бир ойга — 23 сўм*

*КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН*

*бир йилга — 624 сўм*
*олти ойга — 312 сўм*
*уч ойга — 156 сўм*
*бир ойга — 52 сўм*

**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, "ХАЛҚ СЎЗИ"ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!**

• *Ислоҳот қирралари*

# НОН — ЗАВОДИДА... ШИША ИДИШЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

**Боёвут нон ишлаб чиқариш-ҳиссадорлик бирлашмасида асосий маҳсулот билан бирга шиша идишлар, кийим-кечак, мева консервалари, қадоқланган асал, колбаса ва турли хил ширинликлар ҳам тайёрланмоқда.**

Қувончлиси шуки, боёвутлик ҳиссадорлар шу йилнинг якунидаёқ двидентли бўлишади. Ҳар бир ҳиссадор топилган фойда ва қўшган улушига яраша даромад олади. Қисқа муддатда жамоанинг бундай натижага эришиш омиллари нимада? Меҳнат аҳли бирлашма директори Қодирқул Эралиевнинг тадбиркорлиги туфайли фойда фақат нон ишлаб чиқариш билангина кўпаймаслиги ўз вақтида илғашди. Боёвут тумани ва Ширин шаҳри аҳолисининг нонга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирган ҳолда заводда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Аввалига 2 та қандолат цехи қурилди. Уларда анча танқис бўлиб қолган новот, парварда сингари Шарқ ширинликлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу қандолат маҳсулотларини тайёрлаш учун ишлатиладиган шакарни завод эркин нархда — турли ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида сотиб олади. Қандолат цехининг ишга туширилиши кўплаб боёвутликларнинг мушкулини осон қилди.

Завод омборида кам таъминланган оилаларнинг маърака-маросимлари учун алоҳида заҳира яратилган. Боз устига, бундай ҳолларда қандолат маҳсулотлари анча арзон нархларда сотилади.

Яқинда ишга туширилган тикувчилик кичик корхонасида турли кийим-кечаклар билан бирга, яроқсиз қоплардан махсус иш қўлқоплари, рўзғор учун халталар тайёрланмоқда. Бунинг эвазига мўмай фойда олишаётир. Завод "чўнтагини" тўлдирадиган яна бир омил — шиша синиқларидан сабзавот ва рўзғор идишлари тайёрлаш корхонасидир. Бу цехдаги иш жараёнини мўъжизага қиёсласа арзийди: консерва цехидан ва бошқа корхоналардан келтирилган шиша синиқларидан ҳақиқий санъат асари баробаридаги нафис идишлар тайёрланмоқда.

Бирлашма раҳбари Қодирқул Эралиев, цехни очишга 10 минг сўм сарфлагандик, бу ҳаражат аллақачон қопланди, дейди.

Завод қошида узоқ-яқиндаги асаларичилар учун қулай шароит бор. Улар ўзлари тўплаган болни бу ердаги асал қадоқлаш цехига ҳеч иккиланмай топширишаётир. Чунки корхонада асалнинг баҳоси бозордагидан кам эмас. Цехда ойига 2 тонна асални қадоқлаш имкони бор. У кичик ҳажмдаги идишларга солинади.

Ҳиссадорларнинг яна иккита цехида консерва ва колбаса тайёрланади. Хуллас, бирлашмада нондан бошқа яна 10 хилга яқин маҳсулот чиқарилмоқда.

— Ҳиссадорликка ўтгач, нонпазларимиз ишчилар сонини кўпайтирмаслик ҳақида таклиф киритишди, — дейди Қодирқул Эралиев, — Раҳбарият бунга бажону дил рози бўлди. Чунки оз ишчи кучи билан кўп маҳсулот тайёрлаб, мўмай маош олиш ҳар бир ҳиссадорнинг мақсадидир. Муҳими — ноннинг сифати оширилди. Оби нон тайёрлаш йўлга қўйилди.

Боёвутдаги нон заводи узоқни ўйлаб қурилган корхоналардан. Унда ҳозир ишлаб турган иккита линия ёнида яна шунча цех ўрнатиш имконияти бор. Ҳозирча эса корхона қуввати аҳоли эҳтиёжини ортиғи билан қондираётир. Жамоа раҳбари айтганидек, моддий манфаатдорлик ҳам чакки эмас. Боз устига, ишчилар бепул овқатланишмоқда. Ҳадемай, заводнинг ўз ери ва 20-30 бош қорамоли ҳам бўлади. Яна 200 га яқин асалари уясини сотиб олиш режалаштирилган. Бу ниятлар амалга ошгач, ишчиларни гўшт-сут, мева-сабзавот ва асал билан таъминлаш билан бирга, ишлаб чиқариш учун қўшимча хомашё тайёрлаш ҳам мумкин бўлади.

Қаердаки тадбиркорлар бўлса, у ердан файз-барака аримайди. Муҳими — жамоа ўртасида меҳр-оқибат юқори, маънавий муҳит барқарор бўлади. Ҳиссадорлик бирлашмасидаги ижобий силжишлар ҳам изланувчанлик ва ишбилармонликнинг маҳсулидир.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

